

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Avto climate control» МЧЖ.

Бosh директори

Абдувалиев А.А.

» Ноябрь 2022 й.



«Корхона томонидан такдим этилган технологик қолип ёрдамида, хом-ашё
давал асосида пластмасса деталь ишлаб чиқариш хизматини амалга ошириш
бўйича»

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: «Avto Climate Control» МЧЖ

Андижон ш. – 2022 й.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎЛ-ЙЎРИҚ

- 1 Умумий қоидалар.
- 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети: «**Қорхона томонидан тақдим этилган технологик қолип ёрдамида, хом-ашё давал асосида пластмасса деталь ишлаб чиқариш хизматини амалга ошириш бўйича**»
- 1.3 **Танловнинг максимал қиймати 395 092 500,00 (Уз юз тўқсон беш миллион тўқсон икки минг беш юз) сўмни ташкил қилади.**
Танлов таклифида кўрсатилган нархлар охириги қийматдан юқори бўлмаслиги керак.
- 1.4 Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 2 Танлов ташкилотчиси
- 2.1 **«Avto climate control» МЧЖ**
“Буюртмачи” манзили: Андижон шаҳри. Бобур Шох кўчаси-73А уй;
- 2.2 Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси:
Техник саволлар бўйича: Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари, маҳаллийлаштириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш бўлими муҳандислик маҳсулотлари муҳандиси:
Ҳожаев Қобилжон Раҳматиллаевич
е – mail: kobiljon.hojayev@uzcc.uz
тел.: +(99891)615 – 32 – 22
- 2.3 Танлов Буюртмачи ташкил қилган камида беш кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 Танлов иштирокчилари
- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).
- 4 Танловни ўтказиш шарти
- 4.1 Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
б) танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.
- 4.2 Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:
қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
Нохалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;

имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.

4.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:

Иштирокчи тўғридан тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;

иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки конунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

5 Танлов тили. 5.1 Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак.

6 Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби 6.1 Танлов иштирокчилари, мазкур танлов ҳужжатларининг кўрсатилган ҳужжатларни ўз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича тақдим қилади.

6.2 Танлов иштирокчиларига таклифларни варақлари тикилган, номер қўйилган, муҳрланган ва иштирокчи ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир бети имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия қилинади.

6.3 Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан ишчи органга сайт орқали етказилади. Танлов таклифи берилиши санаси ва вақти ишчи орган томонидан танлов таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд қилинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса).

6.4 Танлов иштирокчиси:
тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;

6.5 Танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва қуйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, яқуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.

6.6 **Қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:**
танлов предметининг номланиши;
иштирокчининг номланиши;
буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;

6.7 Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар:

Нархга оид таклиф ва нархлар жадвали ушбу йўриқномага илова қилинади.

- 6.8 Танлов таклифлари элон муддати тугаган санадан кегин 2 кун муддатда танлов комиссияси куриб чиқади.
- 7 Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш** 7.1 Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.
- Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.
- Танлов таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.
- Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлов танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ўн кунга узайтирилади.
- Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танловни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.
- 8 Танлов таклифлари куриб чиқиш таомили ва уларни баҳолаш мезонлари** 8.1 Эълонда танловни ўтказиш санаси сифатида кўрсатилган вақтда танлов таклифарини баҳолаш бўйича танлов комиссияси танлов иштирокчилари берган таклифлар танлов иштирокчисининг ваколатли вакили онлайн жараёнида иштирок этиши мумкин.
- 8.2 Танлов иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.
- 8.3 Таклифлар курилганда барча ҳужжатларнинг борлиги ва улар тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда танлов комиссияси уни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли.
- 8.4 Танлов комиссияси рад қилинмаган таклифлар баҳолаб, танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлайди.
- 8.5 Танлов иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
- 8.6 Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади.
- 8.7 Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
- 8.8 Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад

этади.

- 8.9 Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли.
- 8.10 Агар танлов иштирокчилари танлов таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида қурилган сана бўйича танлов таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
- 8.11 Танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 8.12 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
- 8.13 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасида қайд қилинади.

**9 Томонлар маъсулияти ва 9.1
махфийликка риоя
қилиш**

Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

10 Бошқа шартлар

- 10.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.
- 10.2 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар балансида мавжуд автотранспортлар рўйхатини тақдим қилган ҳолда иштирок этишлари ёки бўлмаган тақдирда ижарага олиб ижара шартномаси нусхаларини тақдим қилган ҳолда қатнашишлари мумкин.
- 10.3 Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:
танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;
таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.
- 10.4 Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.

**11 Шартома
тузилиши**

- 11.1 Танлов натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилнаётган танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.

Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳукуки захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.





Техник саволлар бўйича: Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари, маҳаллийлаштириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш бўлими Маҳаллийлаштириш муҳандиси:

Хожаев Қобилжон Раҳматиллаевич

e – mail: kobiljon.hojayev@uzcc.uz

тел.: +(99891) 615 – 32 – 22.

**Джентра автомобилнинг салонни иситиш, вентилляциялаш ва хавони совутиш тизимида
ишлатиладиган бутловчи қисмларни етказиб бериш бўйича
ТЕХНИК ШАРТ**

№	Модель	Деталь рақами	Деталь номи	Хом-ашё	Бар дона авто-га ишлатиладиган деталлар сони, дона	Йиллик сотиб олиш ҳажми, дона	Мақбул нарх, сум (ККС сиз)	Йиллик етказиб бериш ҳажми, сум	Деталь расми
15	J200	614473S1	SEAL-HC, IN/OUT	PU FOAM	2	150 000	370,70	55 605 000,00	
16	J200	614473S2	SEAL-HC SIDE	PU FOAM	1	75 000	2 832,50	212 437 500,00	
17	J200	614473S3	SEAL HC UPPER SIDE	PU FOAM	1	75 000	924,00	69 300 000,00	
18	J200	614473S4	SEAL HC LOWER	PU FOAM	2	150 000	385,00	57 750 000,00	
						Жами	4 512,20	395 092 500,00	

Изоҳ: Ушбу деталларни ишлаб чиқариш учун зарур технологик қопиллар таъминотчи томонидан ўз ҳисобидан ясалади ва сифат бўйича тагишли текширувлардан ўтказилиб ва керакли ҳужжатлар (РРАР ҳужжатлари) тайёрлангандан сўнг босқичма-босқич етказиб бериш бошланади. Деталлар чиқмаси ялова қилинади. Деталь чиқмадаги талабларга ва ўлчамларга тўлиқ мос келиши шарт.

Ишлаб чиқариш хизматини амалга ошириш учун керакли маълумотлар, талаблар ва шартлар.

- 1 Ушбу детални ишлаб чиқариш учун технологик қопил ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўз ҳисобидан тайёрланади, қопиллар нархи деталлар нархига амортизация қилинади.
- 2 Ишлаб чиқариш учун хом-ашё етказиб берувчи корхона томонидан сотиб олинади.
- 3 Таъминотчи корхона ишлаб чиқарилган деталларни "Auto Climate Control" МЧЖ билан келишилган ҳолда, ўз ҳисобидан тайёрланган тара еки картон қутилларда етказиб бериши талаб этилади.
- 4 Таъминотчи корхона томонидан ҳар ойлик бериладиган буюртмага асосан ўз вақтида, сифатли маҳсулот етказиб бериш талаб этилади.
- 5 Тўлов факт бўйича ҳар ойнинг бошида аввалги ой буюртмасига асосан етказиб берилган детал фактга нисбатан амалга оширилади.
- 6 Талловда иштирок этиш истагидagi корхоналардан 5 йил давомида Автоаноат тизимидаги корхоналар билан ишлаш тажрибаси эга бўлиши талаб этилади.

Тайёрлади
ИТ ва ТҚИМИЖК бўлими муҳандиси:



Боғлабаев Б.